2014 ЙИЛ 15 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 74 (12.635)

Баҳоси эркин нархда

2014 йил — Соғлом бола йили

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ҲАМ УСТОЗ, ҲАМ ДЎСТ

Мамлакатимизда спортнинг синхрон сузиш тури оммалашганига ҳали кўп вақт бўлмади. Шунга қарамасдан спортчиларимиз сувда турли рақсларни моҳирона ижро этиши ва нафис ҳаракатлари билан халқаро миқёсда мухлису мутахассислар эътиборини тортиб улгурди.

Бунда тажрибали мураббий ва мутахассислар, жумладан, Ўзбекистон терма жамоаси ҳамда пойтахтимизнинг Олмазор туманидаги 23-ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббияси, халқаро тоифадаги ҳакам Алина Пионтковскаянинг ҳам алоҳида хизматлари бор.

Алина Пионтковская мураббийлик фаолиятини Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг учинчи босқичида ўқиб юрган кезларидаёқ бошлаган. Ўтган даврда у синхрон сузиш бўйича 12 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси ва 20 нафардан зиёд спорт устасини тайёрлади. Шогирдларининг кўпчилиги мамлакатимиз терма жамоаси таркибидан мунтазам ўрин олиб келмоқда.

— Истеъдодли шогирдларни танлай билиш ва уларга синхрон сузиш сирларини қунт билан ўргатиш муваффақият сари дастлабки қадамдир, – дейди А.Пионтковская. – Қизалоқлар сузиш ва рақсларни ижро этиш техникасини ўрганиш баробарида хореография кўникмаларига эга бўлмоқда, мусиқани эшитиш қобилиятини ривожлантирмоқда. Айни пайтда улар энг мураккаб элемент ва ҳаракатлар уйғунлигини намойиш этиш учун мунтазам машқ қилиши зарур.

Президентимиз раҳнамолигида ёшларимизнинг ўзлари қизиққан спорт турлари билан замонавий шароитларда шуғулланиши учун барча зарур шароитлар яратилмоқда. 23-ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби юртимизда синхрон сузишнинг асосий тайёргарлик маркази ҳисобланади. Шунингдек, Андижон, Фарғона, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида ҳам спортнинг ушбу тури жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида икки юздан зиёд сузиш ҳавзаси болалар ихтиёрида.

Синхрон сузишни оммалаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Хусусан, бу спорт тури бўйича ҳакамлик борасида ҳам катта муваффақиятларга эришилмоқда. Масалан, 2011 йилда сув спорти турлари бўйича Хитойда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ва 2012 йили Лондонда ўтказилган XXX Олимпия ўйинларининг синхрон сузиш беллашувларида мамлакатимиз вакиллари, чунончи, Алина Пионтковская илк бор ҳакамлик қилди. Шунингдек, Осиё чемпионати ва Осиё ўйинларида ҳам ҳакам сифатида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 сентябрдаги «Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига биноан баркамол авлодни тарбиялашга қўшган ҳиссаси ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки учун у «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Айни пайтда таниқли мураббия ва унинг шогирдлари ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати, Осиё ўйинлари ва жаҳон кубоги мусобақаларига пухта тайёргарлик кўрмоқда.

Ирина ДОЛЕНКО,
ЎзА мухбири
Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

ЯПОНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ТАҚДИМОТИ

Токиода «Сетагая» халқаро фестивали доирасида мамлакатимиз маданияти, санъати ва сайёҳлик салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Анъанавий миллий либослар ҳамда ўзбек халқ амалий санъати намуналари билан безатилган Ўзбекистон бўлмаси халқаро тадбирнинг кўпгина иштирокчи ва меҳмонларида, жумладан, шаҳар маъмурияти ҳамда жамоат ташкилотлари, шунингдек, Япониянинг йирик сайёҳлик компаниялари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

Тақдимот доирасида Ўзбекистоннинг маданий мероси ва бой сайёҳлик салоҳияти билан бирга, мамлакатимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-гуманитар соҳаларда эришган муваффақиятлари, шу жумладан, «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қамровли чора-тадбирлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тадбир иштирокчилари эътиборига ҳавола қилинди.

Маросим якунлари юзасидан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири тадбирнинг айрим иштирокчилари билан суҳбатлашди.

Кеко Накаяма, Япония парламентининг юқори палатаси депутати, Японияннинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, «Дўстлик» ордени соҳибаси:

— Ўзбекистон ва Японияни узоқ ўтмишга бориб тақаладиган — Буюк Ипак йўли гуллаб-яшнаган даврдаги тарихий дўстлик ва ҳамкорлик ришталари, шунингдек, икки халқ менталитетидаги муштаракликлар боғлаб туради.

Ўзбекистон шу кунгача мустақил ривожланиш йўлини муваффақият билан босиб ўтаётгани изчил амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижасидир. Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг мустаҳкам асоси эса икки томонлама стратегик шерикликни ҳар жиҳатдан чуқурлаштиришга замин бўлмоқда. Ҳозирги пайтда ҳамкорлигимиз янги тарихий босқичга ўтмоқда, шу жумладан, маданий-гуманитар йўналишда ҳам. Мамлакатимиз маданияти ва анъаналари билан таништириш учун япон жамоатчилиги вакилларининг Тошкент, Самарқанд ҳамда Бухорога сафарларини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Халқларимиз ўртасида ўзаро англашувни чуқурлаштириш мақсадида бундай сафарлар мунтазам равишда, ҳар йили уюштирилади.

Шуни ҳам қайд этишни истардимки, Ўзбекистонда 2014 йил «Соғлом бола йили», деб эълон қилингани мамлакатда болалар саломатлигини муҳофаза этиш ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлод тарбиясига улкан эътибор қаратилаётганини тасдиқлайди.

Ясуо Когучи, Тарих тадқиқотлари институтининг профессори:

— Ўзбекистон – тарихнинг турли даврларига оид ноёб меъморий ёдгорликларга, ранг-баранг санъат ва ҳунармандчиликка, бой халқ фольклорига эга бўлган дунёнинг кўҳна маданият ўчоқларидан бири. Бу гўзал мамлакатда тарихий мерос асраб-авайланади.

Бугун бўлиб ўтган тақдимот япон фуқароларига Ўзбекистон тарихи, маданияти ва сайёҳлик салоҳияти тўғрисидаги энг муҳим маълумотлар билан яқиндан танишиш имконини берди. Бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшади.

«Жаҳон» АА
Токио

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси, Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамкорлигида «Фуқаролик жамиятини шакллантириш соҳасидаги қонунчиликни ривожлантиришнинг долзарб масалалари» мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши ижроия қўмитаси раиси С.Турдиев, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси А.Каримов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Фуқаролик институтлари жамиятда манфаатлар мувозанати, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялашни таъминлаш, фуқароларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Мамлакатимизда истиқлол йилларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишга қаратилган 250 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида бу йўналишда қатор қонунлар ва қонунчилик ҳужжатлари ишлаб чиқилди. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунлар алоҳида аҳамиятга эга. «Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жойлардаги вакиллик органларининг турли соҳалардаги ислоҳотлар жараёни устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги аҳамиятини кучайтириш имконини бермоқда.

(Давоми 2-бетда)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** пойтахтимизда «Соғлом бола йили»да оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги устувор масалалар: амалиёт, тажриба ва истиқболдаги вазифалар» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Алишер Навоий номидаги кино саройида «Ўзбеккино» миллий агентлиги буюртмасига кўра «Ўзбекфильм» киностудиясида тасвирга олинган «Зарб» бадиий фильмининг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун премьераолди намойиш ва фильм ижодкорлари иштирокида анжуман уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Давлат юридик университети қошидаги академик лицейда Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Хуршида Хакимова билан Сергели тумани ёшларининг учрашуви бўлиб ўтади.

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарё вилоятидаги «Шўрчитекстиль» масъулияти чекланган жамиятида тикувчилик корхонаси иш бошлади. Янги корхонада ўнга яқин хотин-қиз иш билан таъминланиб, маҳаллий хомашёдан 20 га яқин турдаги кўрпа, ёстиқ жилдлари, чойшаб, махсус иш кийимлари ва халқ эҳтиёжи учун зарур бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

● Бухорода «Камалак билимдонлари» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбир доирасида ташкилот фаолияти самарадорлигини янада юксалтиришга қаратилган лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

● Наманганда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Солиқ билимлари – болаларга!» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма ва комедия театрида маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, ҳаётимизга турли ёт ғоялар кириб келишининг олдини олишга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

● Самарқандда умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Ораста қизлар» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

● Ўтган ойда сирли равишда ғойиб бўлган «Malaysia Airlines» авиакомпаниясига тегишли «Боинг 777-200» самолёти қидирилаётган ҳудудда янги сигнал аниқланди. Халқаро қутқарувчилар гуруҳи вакиллари бу йўқолган лайнернинг «қора қути»сига тегишли сигнал эканига катта ишонч билдиришмоқда. Уни Ҳинд океани узра учиб ўтаётган мутахассислар самолётидан бири қайд этган.

● Калифорния штати (АҚШ)нинг Орленд шаҳри яқинида йирик йўл транспорти ҳодисаси рўй берди. Бу ерда йўловчиларни олиб кетаётган автобус маҳаллий почта компаниясига қарашли юк машинаси билан тўқнашган. Оқибатда тўққиз киши ҳаётдан кўз юмган, қирқ нафар одам эса турли даражада тан жароҳати олган.

● Жанубий Кореянинг «Samsung» компанияси даромадлари кетма-кет икки чоракда сезиларли даражада пасайди. Жумладан, январь-март ойларида маблағ тушуми 8 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,5 фоиз кам.

● Япониянинг «Toyota Motor Corp.» корпорацияси дунё бўйича сотилган олти ярим миллиондан зиёд автомобилини қайтариб олади. Ушбу машиналарнинг бошқарув тизимида ҳамда ўриндиқларида нуқсонлар аниқлангани туфайли компания ана шундай қарор қабул қилган.

Мамлакатимизда барча соҳалар қатори энергетика тизими ҳам ривожланиб бормоқда. Юртимиз электр энергиясини асосий етказиб берувчиси — «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси истеъмолчиларни энергия билан ишончли таъминлаш мақсадида электр станцияларини тубдан модернизациялаш ва реконструкция қилиш ишларига жиддий эътибор қаратмоқда. Шу билан бирга инвестиция соҳаси ҳам мунтазам такомиллашиб бормоқда.

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган инвестицияларни жалб этиш ва ўзлаштириш масалаларига бағишланган матбуот анжуманида ҳам шу ва бошқа масалалар хусусида сўз борди.

«Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси томонидан 2013 йил якунларига кўра 23 та инвестиция лойиҳалари бўйича тўлиқ прогноз кўрсаткичларга эришилди. 14 та энергетика объектида қурилиш, реконструкция ҳамда модернизация ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил ноябрь ойидаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ электр энергиясини модернизация қилиш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари давом эттирилмоқда. Инвестиция дастурига кўра жорий йилда 28 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган бўлиб, ушбу лойиҳалар бўйича 750 миллион долларлик маблағ ўзлаштирилиши мўлжалланган. Шунингдек, умумий қиймати 214 миллион долларга тенг бўлган олтита лойиҳани ишга тушириш режалаштирилган. Ушбу объектларнинг фойдаланишга топширилиши йилига 100 МВт қўшимча электр энергиясини, 167 минг дона фотоэлектрик қуёш панелларини, 50 минг дона қуёш коллекторларини, 2,5 миллион дона ёруғлик диоди ёритиш асбобларини ишлаб чиқариш, фойдаланиш-таъмирлаш, технологик харажатларни камайтириш ва Фарғона энергоузели электр таъминотининг ишончлилигини ошириш имконини беради.

Тармоқни ривожлантириш бўйича 2015 йилга қадар умумий қиймати 8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ бўлган жами қиркдан ошиқ инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Анжуманда замонавий буғ-газ ускуналарига техникавий хизмат кўрсатиш ва уларни ишлатишда мутахассисларни тайёрлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, яратилган янги иш ўринларига малакали ёш мутахассисларни жалб этиш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган йили компания корхоналарида 1600 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилган бўлиб, уларнинг аксариятига коллеж битирувчилари ишга жойлаштирилди. Бу борадаги ишлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олишди.

Абдуалим САЛИМОВ

Ислом Иемайлов олган сурат

2014 йил — Соғлом бола йили

ЗАМОНАВИЙ УСКУНАЛАР — САМАРАЛИ ШИФО ОМИЛИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишларига оид Фармонида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич ижро этилаётгани тиббиёт масканларида диагностика ишлари кўламини кенгайтириш билан бир қаторда жаҳон тиббиётининг илғор усулларини чуқур ўзлаштириш борасида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Бу диагностика ва даволаш ишларини ягона стандартлар асосида ташкил этиш, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволашда яхши самара бераётир.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Heiberg Clinic» ана шундай замонавий тиббиёт масканлардан бири.

2007 йилда иш бошлаган мазкур клиника фаолиятини ривожлантиришда банк сармояларидан унумли фойдаланилмоқда. Мисол учун, 2007-2009 йилларда молия муассасаларининг лизинг хизматлари эвазига учта замонавий ускуна харид қилинди. 2012 йилда эса Германияда ишлаб чиқарилган лазерли ускуналарни олиб келиш учун «Ипотека-банк»дан имтиёзли кредит олинди. Бундай замонавий лазерли ускуналар, универсал жарроҳлик столи, монитор, жарроҳлик лампалари, рентген, диагностика, лаборатория жиҳозлари кабилар ёрдамида нафақат, инсоннинг ташқи аъзоларини, балки, одам организмининг ички аъзолари, гинекологик хасталикларни аниқлаш ва даволаш сифатини янада ошириш имконияти яратилди.

— Янги технология асосида беморларга аниқ ташхис қўйиш ҳамда уларни сифатли даволаш имконияти янада кенгайди, — дейди клиника директори Наталья Лигай. — Шифокорларимиз замонавий тиббий ускуналар имкониятларидан унумли фойдаланиб, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида сидқидилдан меҳнат қилмоқда. Хусусан, 2010 йилдан уч ёшгача бўлган болаларда норни, яъни қизил доғни даволаш ишлари бепул амалга оширила бошланди. Нор наслдан-наслга ўтгани боис кейинги йилларда унинг фақатгина юзда эмас, инсоннинг барча аъзоларида учраши кузатилмоқда. Ўтган даврда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган 100 дан зиёд болаларга кўмак берилди. Кейинги икки йилда 40 га яқин болада нор хасталиги даволанган бўлса, ҳозирда 80 дан ортиғига хизмат кўрсатилмоқда. Бунда лазерли даволашда бажарилган амалиёт ўзидан из қолдирмаслиги билан афзалликка эга.

Болалар невропатологи, терапевти билан ҳамкорликда ишлаб, беморнинг ҳолатини мунтазам назорат қилиб борамиз. Бирор бир ўзгариш бўлса, барча таҳлилларни ўтказамиз.

Клиникада Германиядан олиб келинган замонавий тиббий ускуналар ёрдамида диагностика ва мураккаб жарроҳлик усуллари амалиётда кенг қўлланилаётир. Мисол учун, тирноқларнинг орқага ўсиши оғир жарроҳлик амалиёти ҳисобланади. Уни лазер нури ёрдамида жуда осон ва оғриқсиз амалга ошириш имконияти мавжуд бўлиб, қайта ўсмаслиги таъминланади. Варикозни самарали даволаш, тери устки қатламини тартибга солиш, юздаги ҳуснбузар, сепкилни, турли жароҳатларни текислаш, вирусли касалликларни аниқлаш ва даволаш каби юмушлар ҳам доимий эътиборда.

Марказда йигирмадан зиёд малакали мутахассис эл саломатлиги йўлида меҳнат қилмоқда. Улар томонидан қўйилган ташхисларнинг аниқ ва мукаммал эканлиги мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда.

— Бу ердаги шифокорларнинг муомаласи, хоналарнинг озодалиги, шинамлиги, кўрсатилаётган малакали хизматлардан жуда мамнунмиз, — дейди Вика Вершова. — Юзимдаги хасталик бўйича тезда таҳлиллар ўтказилиб, лазер нури билан малакали даволашди. Шифокорлар ўз касбининг устаси экан, улардан миннатдорман.

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси ўқув марказида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг X пленуми бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари раҳбарлари, партиянинг бошқа фаоллари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар ташкилоти ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳининг партия электорати манфаатларига жавоб берадиган дастурий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича ишларни янада такомиллаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ХДПнинг ҳар бир партия гуруҳи жорий йилда қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш ва 2014 йилга мўлжалланган аҳоли бандлиги ва янги иш ўринларини яратиш масалаларининг жойларда амалга оширилишида ўз ўрнига эга. Жойлардаги ижтимоий вазиятни мунтазам мониторинг қилиб бориш, партия электоратининг манфаатлари ва ҳаётий эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг ҳал этилишига кўмаклашиш, аҳоли ўртасида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий масалаларда фаол иштирок этиш партия олдида турган муҳим вазифалардан бири эканлиги тадбирда алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Тадбир давомида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар Кенгаши ижроқўмининг ўтган йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи фаолияти ҳақида ахборот тингланди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ

Пойтахтимизда микроиқлимни таъминлаш, шаҳарнинг янада обод ва кўркам бўлишида «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» очиқ акциядорлик жамияти алоҳида ўрин тутади. Бир йиллик ва кўп йиллик гуллар, манзарали ва игнабаргли дарахт кўчатлари ҳамда яшил майса етиштиришга ихтисослашган корхона бугунги кунда шаҳар ободонлаштириш бошқармаси, кўплаб муассасалар ва аҳолига турли хил кўчатларни етказиб бераётир.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ТАБИАТ МУСАФФОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

– Ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос табиати ва парваришлаш тартиби мавжуд, – дейди очиқ акциядорлик жамияти директори Абдуқодир Маликов. – Шу боис, гул ва дарахт кўчатларини кўпайтираётганда унинг иқлим шароитимизга мослиги, гуллаш даври ва рангига алоҳида эътибор қаратамиз. Ниҳолларнинг илдизларини чиришдан ва зараркунандалардан асраш учун зарур моддалар билан озиқлантирамиз.

Икки юзга яқин киши иш билан таъминланган корхонада хонаки ва ҳовлида ўстиришга мўлжалланган беш юз хилдан ортиқ гул, манзарали, бутасимон дарахт кўчатлари парваришланмоқда. 300 гектардан ортиқ майдонда бир-биридан ажойиб ўсимликларни учратиш мумкин. Масалан, олти юз йилдан кўпроқ яшайдиган «Секвоя», «Дендро-гигант» каби игнабаргли дарахтларнинг баландлиги юз метргача етади. Эҳромсимон эман, пальма, каштан, япон сафораси сингари дарахтлар, сальвия, антиринум, петуния, бегония, геран, самбитгул каби турфа гуллар кўзни қувонтиради.

Айни пайтда боғбон ва гулчилар тупроқ танламайдиган, қурғоқчиликка чидамли, юртимиз экологиясининг барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган манзарали ва доривор дарахтлар сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Япон беҳиси, япон сафораси, каштан кўчатлари шулар жумласидан бўлиб, уларнинг шаҳримизда тобора кўпаяётгани табиат мусаффолигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу боис ҳам жамиятда япон беҳиси, сафораси, каштан жорий йилдан эса лола каби дарахт турларини уруғидан кўпайтириш йўлга қўйилган. Мисол учун, япон сафорасини кўпайтириш учун унинг уруғидан 30 минг, каштандан эса қарийб 1,5 минг донадан зиёд ниҳол ундирилди.

Корхона қошида ташкил этилган анъанавий кўргазма-савдо дўконидан харидорлар ўзлари ёқтирган гул ва дарахт кўчатларини харид қилмоқда.

– Гул – гўзаллик, эзгулик рамзи, – дейди Роҳила Жуманазарова. – Икки нафар фарзандим бор. Доимо уларнинг соғлиғи ҳақида қайғураман. Шу боис гулчи-сотувчилар билан маслаҳатлашиб, жамият гулхонасидан геран гулининг кўчатларини харид қилдим. Бу гул ҳавони жуда яхши тозалайди. Ундан уйингизда учтўрт дона парвариш қилсангиз, тоғларга чиқишга ҳожат йўқ, дейишди мутахассислар.

Юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш кўлами тобора кенгайиб бораётгани самараси ўлароқ мазкур жамият томонидан ҳозир икки миллион донадан зиёд турли хилдаги дарахт ва гул кўчатлари етиштирилди.

Ҳилола ВОҲИДОВА

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яқинда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни миллий давлатчиликни янада мустаҳкамлаш, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам ушбу мақсадларга қаратилган бўлиб, у нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат тузилмаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, долзарб гуманитар масалаларни ҳал этиш, аҳолининг турли қатламлари ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишдаги ўзаро ҳамкорлиги доирасини аниқ белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришни назарда тутади.

Семинарда фуқаролик жамияти тараққиёти ҳамда ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати ривожланишининг ҳуқуқий асослари, Парламент комиссиясининг социал-иқтисодий соҳаларда ижтимоий шерикликни амалга ошириш бўйича фаолияти каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

ИЛМИЙ ТАВСИЯЛАР АМАЛИЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ

Тошкент Давлат техника университетининг «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси илмий-технологик мажмуасида «Янги композицион материаллар олиш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан тайёрланган ингредиентлар» мавзусида республика илмий-техник конференцияси бўлиб ўтди.

Шуни айтиш керакки, анжуманнинг бу ерда ўтиши бежиз эмас. Бугунги кунда илмий-технологик мажмуа таркибида 11 та илмий-тадқиқот лабораторияси, «Ностандарт ва технологик жиҳозлар» бўйича махсус конструкторлик бюроси, «Ноёб асбоб-ускуналар» бўлими мавжуд бўлиб, 100 дан ортиқ илмий ходим фаолият кўрсатмоқда. Мажмуада йигирмага яқин катта илмий ходим-изланувчи ва тадқиқотчилар долзарб мавзуларда илмий изланишлар олиб бормоқда. Сўнгги йилларда инновацион ғоя, технология ва лойиҳалар республика ярмаркасида «Фан ва тараққиёт» ДУК 70 дан ортиқ ишланмалари билан иштирок этиб, ишлаб чиқариш корхоналари билан умумий ҳажми 925 млн. сўмлик шартномалар тузишди.

Анжуманнинг ялпи мажлиси ва шўъбаларда илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртлари, муассасалар ва бошқа ташкилотлардан маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан тайёрланган ингредиентлар асосида янги композицион материаллар яратиш, композитлар структурасининг ўзига хос жиҳатларини тадқиқ этиш ва уларни республика иқтисодиётининг турли тармоқларида қўллаш борасидаги фундаментал ва амалий тасвирларга эга тадқиқотларга бағишланган 170 га яқин маъруза ва бошқа илмий чиқишлар тақдим қилиниб муҳокамага қўйилди. Олимлар «Оқава сувларни нефть, нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси маҳсулотларидан тозалаш», «Иккиламчи углеводород материалларини олишда пиролиз жараёнининг ўрни», «Ароматик углеводородларни хлорацетиллаш маҳсулотларининг СКФ-32 каучуги учун стабилизаторлик хоссалари», «Саноат чиқиндиларидан рақобатбардош композицион маҳсулотлар олишнинг физик-кимёвий асослари» каби маърузаларни тақдим этганлар. Анжуманда тадқиқот ишларидаги илмий хулосаларни амалиётда қўллаш ва истиқболдаги вазифалар бўйича атрофлича фикр юритилди. ТДТУнинг «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси (ДУК) раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги С. Негматовнинг анжуманга тақдим қилган «Янги композицион материаллар олиш учун маҳаллий ва иккиламчи хом ашёлардан тайёрланган ингредиентлар» деб номланган маърузасида ДУК томонидан ишлаб чиқилган янги композицион кимёвий реагент «Ўзгеобурнефтегаз» ОАКнинг «Жанубий кемачи» нефть қудуғига синовдан муваффақиятли ўтганини таъкидлаб шундай дейди. — Импорт ўрнини босувчи кимёвий реагентимиздан 50 тоннасини битта қудуққа ишлатилганда, иқтисодий самарадорлик 100 млн. сўмни ташкил этади. Бошқа бир ишланма — экологик тоза, энергия ва ресурс тежамкор чиқитсиз мис олиш технологиясининг Олмалиқ тоғ-металлургия комбинатида жорий этилиши қўшимча равишда 1446 тонна мис, 82 кг. олтин, 4028 кг. кумуш олиш имкониятини беради. Жами 20 миллион доллар соф фойда келтирадиган мазкур ихтирога Интеллектуал мулк агентлиги томонидан 2013 йилнинг «Энг яхши ихтироси» номи берилди.

Анжуман материалларининг анъанага мувофиқ китоб сифатида нашр этилганлиги, тарқатилганлиги композицион материалларни яратиш, тадқиқ қилиш ва қўллаш масалалари билан шуғулланувчи олимлар, олим-педагоглар, тадқиқотчилар, магистрлар, бакалаврлар, корхоналар, илмий-текшириш институтлари, муассаса ва ташкилотларнинг муҳандис ходимлари учун тажриба, фикр алмашишларида, фан ва техникада янги йўналишлар белгилашда, интеграция амалиётида қўл келади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР НАМОЙИШИ ЁКИ БОННДА НАВРЎЗ ШОДИЁНАЛАРИ

Ўзбекистонлик делегация вакиллари Германиянинг Бонн шаҳрида миллий қадрият ва анъаналаримиз рамзи бўлган Навруздни «Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида нишонлаб қайтдилар.

Бонн шаҳрида фаолият олиб бораётган «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти таклифига кўра, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, «Ўзбекистон — Германия» дўстлик жамияти вакиллари ҳамда Сергели саноат касб-ҳунар коллежи талабаларидан иборат гуруҳ ташриф буюришди.

«Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти фаолиятининг 20 йиллиги ва Наврўзга бағишланган тадбирда Бонн шаҳри мэри жаноб Нимч сўзга чиқиб, Ғарбий Германиянинг бугунги кунда Ўзбекистон билан ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маърифий соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари мустаҳкамланаётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

— Наврўзнинг уч минг йилдан ортиқ тарихга эга эканлигини Ўзбекистоннинг Франкфурт шаҳрида фаолият юритаётган Бош консулхонаси бош консули Э.Ҳамраевдан эшитгач, қадриятларингизга тан бердим, — дейди мазкур дўстлик жамияти раиси, доктор Бауэр. — Мен бугун ушбу дўстлик жамиятида фаолият олиб бораётганимдан юраксан ғурурландим. Айтиш жоизки, Бонн шаҳар ҳокимлигида Наврўз байрами бундай кўтаринки руҳда нишонланмаган. Ташриф буюрган талабалар коллежда пазандачилик соҳасида олган билимларини намоён этишди. Бу албатта халқингизнинг меҳмондўстлигидан дарак, десам адашмаган бўламан. Дастурхонга тортилган кўк сомсаю варақлар, турли ширинликлар, айниқса ўзбек миллий таоми бўлган паловнинг мазасини ҳамюртларим анчагача унутишмайди. Олис элдан олиб келинган сумалакнинг таъмида албатта бир илоҳий мўъжиза борлигига ишонгинг келади.

Тадбирда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг бир гуруҳ санъаткорлари томонидан куйланган куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди. Коллеж талабалари халқ сайилларида ижро этиладиган халқ ўйинларидан саҳна кўринишлари намойиш қилишди. Урф-одатларимиздан келин салом ўзига хос тарзда, бундан ташқари ўзбек халқининг миллий қадрияти бўлган амалий санъат усталари томонидан яратилган асарлар кўргазмаси тадбир иштирокчиларига ҳавола этилди.

— Мен ўзбек миллий либосларини, айниқса, каштадан тикилган либосларни ёқтираман, — дейди «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамиятининг фаол аъзоси Неллен хоним. — Устимиздаги бухоролик зардўз усталари тиккан либослар барчанинг эътиборини тортмоқда. Ўзбекистонга икки марта бориш насиб қилди, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари менга жуда ёқди. Тошкент шаҳрининг кенг ва озода кўчалари, осмонўпар бинолари гўзал, халқингиз эса меҳмондўстлиги билан ажралиб туради.

Сафар давомида меҳмонлар Германиянинг баъзи шаҳарларининг диққатга сазовор тарихий жойларини томоша қилиб, немис халқининг олижаноб такаллуфларидан мамнун бўлган ҳолда она юртимизга қайтдилар.

Муқима АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши масъул котиби

ҲАМЖИҲАТЛИК САМАРАСИ

«Янгиариқ» Юнусобод туманидаги энг файзли ва аҳил маҳаллалардан бири саналади. Маҳалла ҳудудида учта мактабгача таълим муассасаси, битта мактаб, гўзаллик салони, «Спорт анжомлари» тикув цехи мавжуд. Маҳалла қошидаги тикиш ва бисердан гуллар тикиш тўгараги ёш қизларга маҳорат сирларини бепул тарзда ўргатиб боради.

— Маҳалламизда ҳар бир тадбир фаоллар билан бамаслаҳат, ҳомийларнинг бевосита кўмаги остида амалга оширилади, — дейди «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Собиржон Султонов. — Зеро, режали ишнинг замини доимо пухта бўлади.

Маҳаллада Наврўзи олам шодиёналари ҳам жуда чиройли тарзда ўтди. Аёллар дошқозонда сумалак тайёрлашди, кичиклар хизматда, катталар иззатда бўлди. Энг муҳими, қирққа яқин ҳомийлар ушбу хайрли ишга сидқидилдан бош қўшишди. Кўк сомса, кўк чучвара, сумалак каби баҳорий таомлар тортилган дастурхон атрофида «Оқибат», Уста Ширин, Жомий, «Туркқўрғон» маҳаллаларидан ҳам меҳмонлар жам бўлишди. Йиғилганлар М. Турғунбоева номидаги маданият уйи бадиий хаваскорлари санъатидан баҳраманд бўлишди. Байрам тадбирининг кўнгилдагидек ўтиши учун Шуҳрат Алимхўжаев, Даврон Ҳожиматов, Ойбек Камолхўжаев каби фаоллар сидқидилдан хизмат қилишди.

Наврўзи олам шодиёналари якунланганидан сўнг маҳалладаги 70 нафардан ортиқ бетоб ва кекса кишилар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга совға-саломлар улашилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «Янгиариқ» маҳалласида ўтказилган Наврўзи олам тадбиридан лавҳалар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ташкилотлар ва корхоналар диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бўйича Бирлашган дирекцияси «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони бинолар комплексини реконструкция қилиш» объекти бўйича
ТАНЛОВ САВДОСИНИ (ТЕНДЕР) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Реконструкция ишлари қуйидаги лотлар бўйича амалга оширилади:

1-лот «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони бинолар комплексини реконструкция қилиш» (ССТ ва ИСТ тармоқларини реконструкция қилиш, Матбуот маркази биносини реконструкция қилиш);

2-лот «Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони бинолар комплексини реконструкция қилиш» (видеоназорат ва периметрал қўриқлаш сигнализацияси тизимлари МКПни кўчириш, модернизация қилиш ва реконструкция қилиш;

Лойиҳани молиялаш бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

1-лот ва 2-лот бўйича қурилиш муддати: 10 ой

Буюртманинг бошланғич нархи қуйидагича:

1-лот бўйича: 1 280 957 309 сўм, ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, 1 067 464 424 сўм – ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда;

2-лот бўйича: 300 002 551 сўм, ҚҚС ҳисобга олинган ҳолда, 250 002 126 сўм - ҚҚС ҳисобга олинмаган ҳолда.

БУЮРТМАЧИ: Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ишлар бошқармасининг қурилаётган бино ва иншоотлар бўйича Бирлашган дирекцияси

САВДО ТАШКИЛОТЧИСИ: Тошкент шаҳри бўйича танлов савдолари ва нархларни шакллантириш бўйича ҳудудий консалтинг маркази

Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур: айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20% дан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассислар, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларга эга бўлиш.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидагича нархга оид имтиёзлар кўзда тутилади: улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматларни) импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

2-лот бўйича - корхоналар ва ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси ВМ нинг 06.10.2011 йилдаги № 279 сонли қарорига мувофиқ Рухсатномаларга эга бўлиши лозим.

Савдоларда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун савдо ташкилотчиси - Тошкент шаҳри бўйича танлов савдолари ва нархларни шакллантириш бўйича ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш зарур: Тошкент ш., Абай кўчаси, 6-уй, 703-хона, тел: 244-12-17, 244-07-65 (тел., факс). Танлов ҳужжатларининг ҳар бир лот бўйича битта тўпламининг нархи – юз минг сўм. Савдо ташкилотчисига офертларни тақдим этишнинг сўнгги муддати офертларни очиш куни ва соатигача.

Офертларнинг очилиши қуйидаги манзил бўйича амалга оширилади: Тошкент ш., Амир Темур шоҳ кўчаси (собиқ Мовароуннаҳр кўчаси), 3, Тошкент шаҳри ҳокимлиги, эълон чоп этилганидан сўнг 30 кундан кам бўлмаган муддатда.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2014 йил 20 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Олмазор туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилоят судининг 2013 йил 19 июль кунги 2-49-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/4 мавзеси, 20-уй, 15-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 55,30 кв.м., яшаш майдони 28,67 кв.м. бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 68 696 000 сўм.

2. Яккасарой туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2013 йил 26 ноябрь кунги 10-1308/6040-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ракат (аввалги Ш. Абдуллаев) кўчаси, 57-уйда жойлашган, умумий ер майдони 584 кв.м., фойдаланиш майдони 668 кв.м. бўлган, хоналар сони 22 та бўлган, 1 ва 2 қаватли нотурар жойлар. Бошланғич нархи – 481 250 000 сўм.

2014 йил 6 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Юнусобод туман судининг 2013 йил 21 август кунги 403/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Қатортол ҚФЙ, Х.Нуғмон кўчаси, 110-уйда жойлашган, умумий ер майдони 7,415 га, амалда фойдаланаётган майдони 6,9756 га бўлган ферма биноси ва иншоотлари. Бошланғич нархи – 2 177 099 943 сўм.

2. Олмазор туман СИБ томонидан, ЖИБ Олмазор туман судининг 2012 йил 21 декабрдаги 1-667/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, 13-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 265,47 кв.м., яшаш майдони 185,53 кв.м. бўлган, яшаш хоналари сони 10 та бўлган уй-жой. Бошланғич нархи – 271 609 962,06 сўм.

3. Сергели туман СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман судининг 2013 йил 12 февраль кунги 1-13-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Дарё бўйи 2-берк кўчаси, 6-уй, 6-хонадонда жойлашган, 1996 йилда қурилган уй-жой. Бошланғич нархи – 16 644 382 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 17:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10% миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «Capital Realtor Group» МЧЖнинг «Капиталбанк» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Лицензия: № RR-0017.

Огоҳлик ва ҳушёрлик — давр талаби

ОДАМ САВДОСИ ИЛЛАТИГА ҚАРШИ ҳаммамиз ҳамжиҳатликда курашайлик

Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш шароитида хавфсизлигимизга ҳамда ижтимоий-маънавий барқарорлигимизга раҳна солувчи иллатлардан бири бўлган одам савдоси — бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бирига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 24-моддасида: **«Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир»**, — деб эътироф этилган. Бугунги кунда одам савдоси билан боғлиқ жиноятлар жаҳон ҳамжамиятига жиддий ташвиш ва хавотирлик келтирмоқда. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак. Яъни, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш – икки томонлама ҳалокат домига тортмоқда.

Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, дунёнинг қатор мамлакатларида бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда.

Мустабид тузум барҳам топиб мамлакатимиз мустақил бўлгач, юртимизда чуқур иқтисодий ислоҳотлар, халқ фаровонлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида катта ўзгаришлар даври бошланди. Қисқа муддат ичида халқимизнинг, айниқса ёшларимизнинг чуқур билим олишлари, турли касб-ҳунарларни ўрганишлари, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Касб-ҳунар ўргатадиган юзлаб коллежлар, олий ўқув юртлари фаолият олиб бормоқда. Қанчалаб янги саноат корхоналари ишга тушириляпти, кўплаб янги иш ўринлари яратиляпти. Киши-ларимиз хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари ташкил этиб, ҳалол меҳнат орқали бойишмоқда. Юртбошимиз алоҳида таъкидлаб ўтганларидек, **«Бизнинг сиёсий ва иқтисодий соҳалардаги барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборат. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади».**

Аммо, айримлар жон қойитмай, осонгина даромад топиш йўлларини излай бошлашди. Улар нима қилиб бўлса-да, кўпроқ пул топиш, мўмай даромад орттириш мақсадида ноқонуний, ҳалокатли, келажаги вой ишларга қўл уришяпти. Иссиқ жойларини, оила аъзоларини ташлаб олис юртларга иш излаб кетишяпти. Қонуний йўл билан эмас, одам савдоси орқали бойишни кўзлаётган айрим ноинсоф кимсалар алдовига учиб, борадиган жойларидаги иш ва яшаш шароитларини ўрганмай, давлатлараро шартномалар асосида иш юритувчи расмий идораларни четлаб бошқа юртларга боришяпти. Тўғри, жаҳон тажрибасида бир юртдаги ишчиларнинг бошқа юртда ишлаши тақиқланмаган, лекин буни расмий йўл билан, барча ҳуқуқ ва эркинликлар дахлсизлиги таъминланган ҳолда амалга ошириш керак. Ҳозир юртимиздан ўзга жойларга иш ахтариб норасмий йўл билан кетаётганларнинг на саломатликлари, на ҳуқуқ-эркинликлари, на меҳнатларига ҳақ тўлаш, на энг азиз ҳаётлари ҳақида қайғурадиган шахс ё ташкилот йўқ, бир товламачининг ёлғон ваъдасига алданиб жўнашяпти. Борган жойларида меҳнатни қилиб ҳақини ололмаётган, касал бўлиб қолиб даволатишга пул ахтараётган, ҳатто уйига қайтай деса йўлкирага пул тополмаётганлар ҳам бор.

Барчамизга маълумки, ислом дини ирқи, насаби, миллати, бойлиги ва жамиятдаги тутган ўрнидан қатъи назар, барча инсонларга тенглик, ҳурлик ва ўзаро биродарликни кафолатлаган эътиқодий таълимотдир. Муқаддас динимизда қулчилик, одам савдоси қаттиқ қораланади...

Ислом таълимоти инсонларни тўла-тўкис озод, ҳур бўлишга, ҳар томонлама етукликка, яхшилик ва ўзаро ҳамкор бўлишга чорлайди. Аллоҳ таоло бундай хабар беради: **«Мўминлар ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар».**

Инсон дунёга ҳур ва озод ҳолда келади. Шу ўринда Ҳазрати Умар (рз.)нинг машҳур сўзи диққатга сазовордир: яъни: ***«Оналари озод қилиб туққан инсонларни қачондан буён қул қилиб олдиларингиз».*** Инсоннинг нечоғлик қадри баланд ва улуғ мавжудот эканлиги маълум. У табиат бойликларидан лаззатланиши, соғ-саломат, кучли ва ақлли бўлиши учун ўзини-ўзи асраб-авайлаши, ҳимоя қилиши ҳамда шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиши лозим.

Абу Ҳурайра (рз.) Расулуллоҳ (сав) ривоят қилган ҳадиси қудсийда, қуйидагича марҳамат қилади:

яъни: ***«Аллоҳ таоло: «Мен қиёмат куни уч тоифа кишининг даъвогари бўлурман: Менинг номим билан аҳд бериб, кейин алдаган одамнинг, озод инсонни қул деб сотиб пулини еган одамнинг ва мардикорни ишлатиб ҳақини бермаган одамнинг», — дедилар.***

Мана бу ҳадисда уч тоифа энг ёмон одамлар ҳақида сўз бормоқда. Чунки қиёмат куни Аллоҳ таолонинг Ўзи даъвогар бўлиши енгил иш эмас.

Аллоҳ таоло инсонни азизу мукаррам қилиб яратган, унинг ризқини канда қилмай бериб туради. Аллоҳ бандаларига енгилликни истайди. Қуръони каримда бундай марҳамат қилинади:

яъни: **«...Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, оғирликни хоҳламайди».**

Аллоҳ бировга кўпроқ, бошқасига озроқ, ҳамманинг ризқини аниқ белгилаб қўйган. Бировнинг ризқи адашиб бошқаникига бориб қолмайди. Бирор киши ризқини тўла олмагунича бу дунё билан видолашмайди ҳам.

Унда нега одамлар ато этиб қўйилган ризққа қаноат қилмай ўзларини ҳар тарафга уришади? Берилган ризққа рози бўлмай, ахли-аёлини ташлаб ўзга юртларга ризқ ахтариб кетишади. Доно халқимизда **«Ҳар ерни қилма орзу, ҳар ерда бор тошу тарозу»,** «Узоқдаги қуйруқдан яқиндаги ўпка яхши» каби ажойиб мақоллар бор. Фақат фойдани кўзлаган ақидапараст оқимлар ёшлар орасидаги фаолиятини меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, «ҳужралар» ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни электрон кўринишда тарқатиш, Интернет орқали тарғибот ўтказиш каби усулларда амалга оширмоқда.

Юртимизда барча шароитлар яратилганига қарамай, хорижга иш ахтариб кетган айримларнинг диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қолиб, ножўя ҳаракатлар содир этаётгани кузатилмоқда. Ўзга юртларда хор-зор бўлаётган, туну кун ишлаб ҳақини ололмаётган, соғлиғидан ва диёнатидан ажраётганлар фожиаси ҳақида ҳар куни, кун ора ўқиб-эшитиб турибмиз. Айрим ёшларнинг нотаниш, ҳаёт тарзи тамоман ўзгача юртларда имонларига, эътиқод ҳамда миллий қадриятларига завол етмоқда. Асосан, ҳавойи нафс, «катта тўйлар қилиш, бойлик гаштини суриш» васвасасига учиб, ўзга юртларда хор бўлиб юришибди.

Мусулмон киши бир ишга киришишдан олдин уни қандай йўсинда амалга ошириш, сафарга тайёргарлик кўриш, тегишли ташкилотлар томонидан расмий юбориладиган жой бўлсагина, борар жойидаги шароитни ўрганиш, йўл озуғини ғамлаш, чора-тадбирлар белгилаш каби ҳолатларга эътибор қилиши керак.

Аммо кўзлари кўр, қалбларини ғафлат босган айрим кимсалар нодонларча қўйган қадамлари, ўйламай қилган хатти-ҳаракатлари оқибатида ўз жонларини хатарга қўйишяпти, пулларидан ажрашяпти, қимматли умр йилларини бой беришяпти. Муттаҳамлар алдовига учиб, ўзга юртларда сарсон-саргардон, хор-зор бўлиб, юрт ва миллат шаънига доғ туширишяпти. Катта даромад илинжида кетиб, кўпинча ҳеч нарсага эга бўлолмай мажруҳ ва ногирон ҳолда қайтишяпти. Энг ёмони, эл-юрт, оилалари, яқинлари, дўстлари олдида юзлари шувут бўлиб қоляпти. Айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган, турмуш тажрибасига эга бўлмаган айрим ёшлар енгил йўллар билан катта пул топаман деб одам савдоси билан шуғулланувчи манфур кимсалар тузоғига тушиб, молу жонларини хатарга қўйишмоқда.

Инсонларни турли йўллар билан алдаш, уларни ноқонуний ва ношаръий ишларга мажбурлаш, улар ҳақига хиёнат қилиб пулини бермаслик, фоҳишаликка жалб этиш, одамларни бошқаларга сотиб юбориш, уларнинг ички аъзолари ва тўқималарини зўрлик билан ажратиб олиш каби ишлар қаттиқ гуноҳ саналади. Зеро, Расулуллоҳ (сав): ***«Ким бизни алдаса, у биздан эмас. Макру ҳийла ва алдов соҳиби дўзахийдир»,*** — деганлар. Бу иллатлар инсон ҳуррияти ва ҳуқуқ-эркинликларига хавф солгани ёки уларни чегаралагани учун инсонийликка ҳам, ахлоқ-одобимизга ҳам, амалдаги қонунчилик ва шариат аҳкомларига ҳам тамоман зиддир.

Абу Масъуд ал-Ансорий (рз.)дан ривоят қилинган ҳадисга кўра, Расулуллоҳ (сав) фоҳишалик ва коҳинлик қилиб кун кўришдан қайтарганлар.

Абу Ҳурайра (рз.)дан ривоят қилинади: «Набий (а.с.) чўриларнинг танасини пуллаб тирикчилик қилишни ман этганлар».

Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) ўзларининг машҳур Видо ҳажларида бундай марҳамат қилганлар:

яъни: ***«...сизларнинг қонларингизга, мол-дунёларингизга, ор-номусларингизга тажовуз қилишлик ҳам бир-бирларингизга ҳаромдир. Одамлар кимнинг тили ва қўлидан омонда бўлишса, ўша киши мусулмондир, одамларнинг мол-дунёлари ва жонлари кимдан омонда бўлса, ўша киши мўминдир».***

Ислом дини одам савдоси масаласига ана шундай жиддий муносабатда бўлади. Бу борада давлатимиз ва ҳукуматимиз ижтимоий ҳаётда оз бўлса-да, учраб турадиган мазкур иллатга қарши курашиш, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида катта тадбирларни амалга оширяпти. Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. Турли вазирликлар, масъул идоралар, ташқи ишлар бўйича ваколатхона-консулликлар, жамоат ташкилотлари ана шу Қонунга биноан иш олиб боришади. Шунингдек, одам савдосига қарши кураш бўйича республика Идораларараро ҳайъати ҳам тузилган, мазкур Қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик мавжуддир.

Бу Қонун Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий, ҳуқуқий ва конституциявий ҳуқуқларини қатъий ҳимоя қилиш, уларнинг жамият равнақи йўлидаги ҳалол меҳнат қилишларини таъминлаш, одам савдоси каби ижтимоий иллатга бутунлай барҳам бериш йўлида қўйилган муҳим ижобий қадамдир. **Бу йўлда ҳаммамиз бир тан, бир жон бўлиб курашсак, алдовларга учиб, ўзга юртларда хор-зор бўлаётганларни олдиндан бу хатарли йўлдан қайтарсак, иншоаллоҳ, бу иллатга тезда барҳам бериш йўлида хизмат қилган бўламиз.**

Жасурбек РАУПОВ,
Тошкент шаҳар бош имом хатиби ўринбосари

«Осиё чемпионати — 2014»

(ЎзА) олган суратлар

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Тошкентда спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасида Осиё чемпионати якунланди.

Халқаро гимнастика федерацияси кўмагида Осиё гимнастика иттифоқи, Ўзбекистон гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу нуфузли мусобақада Осиё қитъасининг 22 давлатидан 266 нафар спортчи совринли ўринлар ва жорий йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўладиган II Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун баҳслашди.

Осиё гимнастика иттифоқи томонидан мазкур нуфузли мусобақани ўтказиш ҳуқуқи Ўзбекистонга берилгани бежиз эмас. Зеро, бундай йирик анжуманлар спорт инфраструктураси жадал ривожланган, мусобақаларни ташкил этишда бой тажриба ва етарлича имкониятга эга мамлакатларда ўтказилади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик самарасида мамлакатимиз дунёда етакчи спорт марказларидан бирига айланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиададан иборат уч босқичли спорт ўйинлари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида халқаро талабларга жавоб берадиган ва зарур анжомлар билан жиҳозланган замонавий спорт иншоотлари қурилди. Уларда болалар ва ёшларнинг севимли спорт турлари билан шуғулланишлари учун етарлича шарт-шароит яратилган.

Буларнинг барчаси ўзининг юксак самараларини бермоқда. Ўзбекистон ёшлари спорт оламининг энг нуфузли мусобақалари – Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори гимнастика ҳам жадал ривожланиб, ўзбек гимнастика мактаби жаҳонда ўз мавқеига эга бўлаётир. Юртимиз гимнастикачилари кўплаб нуфузли мусобақаларда, халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олмоқда. Бу мамлакатимизда бадиий гимнастика, спорт гимнастикаси, акробатика, трамполин, гимнастрада каби барча йўналишларни янада ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир. Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудларида гимнастика марказлари фаолият кўрсатмоқда. Халқаро семинар-тренинглар ўтказиш, нуфузли мусобақаларни ташкил этиш самарали йўлга қўйилган.

Тошкент шаҳрида ўсмирлар ва қизлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионатининг юқори савияда ташкил этилгани Халқаро гимнастика федерацияси, Осиё гимнастика иттифоқи вакиллари, хорижлик мутахассислар, мураббий ва спортчилар томонидан эътироф этилди.

– Ўзбекистон йирик спорт анжуманларини ташкил этишда бой тажрибага эга экани халқаро спорт жамоатчилигига яхши маълум, – дейди Хитой терма жамоаси менежери Ксиао Лонг Чен. – Мамлакатингизда спортчилар учун барча шароит яратилгани таҳсинга лойиқ. Мусобақалар бўлиб ўтган спорт мактаби мисолида ҳам юртингизда гимнастика ривожига нечоғлик юксак эътибор қаратилаётганини кўриш мумкин. Кўплаб чемпионатларда қатнашганмиз, шу боис айта оламанки, Тошкентдаги қитъа чемпионатида мусобақани ташкил этишнинг барча жиҳатларига алоҳида эътибор билан ёндашилгани яққол намоён бўлди.

Қитъа чемпионатида спортчилар жорий йил 16-28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказиладиган II Олимпия ўйинлари йўлланмалари учун кураш олиб борди. Мусобақада ўғил болалар ўнта, қизлар тўққизта олимпия йўлланмаси учун рақобатлашди.

Мусобақанинг ўсмирлар ўртасидаги жамоавий кўпкураш баҳсларида Темур Қодиров, Элёр Исломов, Азиз Саидумаров, Мирабзал Фозилов ва Ҳамид Содиқовдан иборат Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 236,5 балл жамғариб, бронза медали билан тақдирланди. Қизлар ўртасидаги жамоавий кўпкураш баҳсларида Турдихон Исломова, Ксения Ким, Вероника Орлова, Линара Сулаймонова, Элвира Юрьевадан таркиб топган терма жамоамиз 154,6 балл тўплаб, учинчи ўринни эгаллади.

Шу тариқа спортчиларимиз II Олимпия ўйинларига иккита йўлланмани қўлга киритди ва чемпионатда ўз олдиларига қўйган вазифани шараф билан бажарди.

Осиё чемпионатининг алоҳида йўналишлари бўйича финал баҳсларида қатнашган иқтидорли гимнастикачимиз Турдихон Исломова 14,075 балл жамғариб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Спортчимиз шарафига давлатимиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз янгради.

– Ушбу нуфузли чемпионатда олтин медални қўлга киритганимдан жуда хурсандман, – дейди Осиё чемпиони Турдихон Исломова. – Мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган доимий эътибор ва ғамхўрликдан фойдаланиб, халқаро майдонларда давлатимиз байроғини баланд кўтариш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Турдихон Исломова таяниб сакраш баҳсида 14,325 балл билан кумуш, эркин машқ бажаришда 13,75 балл жамғариб, бронза медални қўлга киритди.

Чемпионатнинг якунловчи куни ўсмирлар ўртасидаги баҳсда ҳамюртимиз Темур Қодиров учинчи ўринни эгаллади.

Спорт оламида катта воқеага айланган ушбу чемпионатда кўплаб янги номлар кашф этилди. Мутахассисларнинг фикрича, мусобақалар халқаро қоидаларга тўлиқ мос равишда, ҳалол ва адолатли кураш шароитида ўтди.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Спорт янгиликлари

ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Аввал хабар берилганидек, 2015 йилда Австралияда уюштириладиган Осиё чемпионатига пухта тайёргарлик кўришга аҳд қилган Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари 25-27 май кунлари Тошкентда Уммон терма жамоаси билан иккита ўртоқлик учрашувида ўзаро куч синашади.

Маълумки, сентябрь, октябрь ойларида ҳам ФИФА кунлари белгиланган.

Терма жамоалар маркази саъй-ҳаракати билан айнан сентябрь ва октябрь ойларида ҳам ўртоқлик учрашувлари ўтказиладиган бўлди. Сентябрь ойи бошларида Ўзбекистон — Иордания миллий терма жамоалари ўзаро куч синашишади. Ушбу ўртоқлик баҳси Тошкентда ўтиши мумкин.

Шунингдек, 3 сентябрда ҳам Тошкентда миллий терма жамоамиз ўртоқлик беллашувида омадини синаб кўради. Рақиб жамоа номи кейин эълон қилинади.

Октябрь ойида ҳам терма жамоамиз иккита назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушади. Аввалига Миржалол Қосимов шогирдлари 6 октябрда Қатар пойтахти Дохада Қатар миллий терма жамоаси меҳмони бўлишади. Кейин футболчиларимиз Дубайда БАА миллий терма жамоасига қарши ўртоқлик учрашувида иштирок этишади.

Албатта, бу учрашувлар терма жамоамизнинг жисмоний, руҳий имкониятлари янада яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Мухлисларга маълумки, 2016 йилда Бразилияда ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.

ЖАНГОВАР ДУРАНГ

Хабарингиз бор, ушбу нуфузли турнирнинг футбол баҳсларида Ўзбекистон олимпия терма жамоасининг иштирок этишини мухлислар жуда хоҳлашади. Шу мақсадда Шуҳрат Мақсудов бош мураббийлигидаги 22 ёшли чарм тўп усталаридан таркиб топган ёшлар терма жамоамиз зиммасига ёзги Олимпиада ўйинларининг саралаш баҳсларида олимпия терма жамоаси сифатида қатнашиш вазифаси юклатилган.

Яқинда Шуҳрат Мақсудов етакчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Тошкентда навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этди. Машғулотлар доирасида олимпия терма жамоамиз мамлакатимизнинг кучли клублари билан назорат-ўртоқлик баҳсларида омадини синаб кўрди.

Профессионал футбол лигасининг етакчи жамоаларидан бири «Локомотив» ҳамда олимпия терма жамоаси ўртасидаги учрашув қизиқарли кечди. Муросасиз курашлар остида ўтган баҳс 1:1 ҳисобидаги жанговар дуранг билан якунланди. Аввалига олимпиячилардан Абдулазиз Юсупов «Локомотив» дарвозасини аниқ нишонга олиб жамоасини ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса, иккинчи бўлимнинг 1-дақиқасида Жасур Ҳасанов олимпиячилар дарвозасига гол киритиб орадаги мувозанатни тиклади.

ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ КУРАШЧИСИ

Халқаро спорт курашлари федерацияси томонидан ҳамюртимиз, эркин кураш бўйича халқаро турнирлар ғолиби ва совриндори Рашид Қурбонов 2013 йилнинг энг яхши эркин курашчиси деб эълон қилинди.

Бу эътирофга Рашид Қурбоновнинг жаҳон ва қитъа биринчиликларида муваффақиятли иштирок этиб, доимо совринли ўринларни эгаллаб келаётганлиги сабаб бўлди.

Биз Рашид Қурбоновни ушбу қувончли хабар билан қутлаган ҳолда унга келгуси турнирларда ҳам доим зафар ёр бўлсин, деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Эзгу мақсадлар сари интилиб яшаган муродига етади.

* * *

Мақсад гули энг улкан тоғнинг энг баланд чўққисида бўлади.

* * *

Ҳар гапни ҳам айтиб бўлмайди,
Айтдингми, сўнг қайтиб бўлмайди.

* * *

Етолмаган нарсанг азиз бўлади.

* * *

Бировнинг ташвиши бошқага ортиқча.

* * *

Машақатли меҳнат саодатли кунларга етказади.

* * *

Ўз фойдасига қолганда ҳеч ким бировнинг маслаҳатига муҳтож эмас.

* * *

Инсон кўрган-эшитганидан ибрат олганида ўзини ҳар қандай ташвишлардан асраган бўларди.

* * *

Омонатга хиёнатдан оғир гуноҳ йўқ.

* * *

Бекорчининг баҳонаси кўп.

* * *

Сохта илтифот дарҳол сезилади.

* * *

Мақсад боғига бир умрлик муттасил ҳаракат ва машаққат билан эришилади.

* * *

Ўзини эплолмаган ўзгага юк бўлади.

* * *

Бир куни келиб ҳаммасини тушунганингда, кўпинча кеч бўлади.

* * *

Ҳаракатчан киши соғлом бўлади.

* * *

Қилаётган ишларингдан кўнглинг тўлмаса, ҳаётингда файз бўлмайди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 17.06.2010 й. № 9297–сонли и.х.га асосан 1987 й. и.ч. «Газ24» д.р. 11Т8467. Бошланғич баҳоси – 526124 сўм. 2. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 10.02.2013 й. № 433–сонли и.х.га асосан 1985 й. и.ч. «Урал» д.р. 6981ТША. Бошланғич баҳоси – 652127 сўм. Олмалиқ шаҳар Савдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 3. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 31.05.2010 й. № 8252–сонли и.х.га асосан 1983 й. и.ч. «Ваз2105» д.р. 11G2126. Бошланғич баҳоси – 1728666 сўм. Оҳангарон тумани ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. 4. Олмалиқ ш. СИБ томонидан 19.05.2008 й. № 2777–сонли и.х.га асосан 1984 й. и.ч. «Москвич412» д.р. 11V6328. Бошланғич баҳоси – 411664 сўм. Олмалиқ шаҳар ИИБ жарима майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 1 май куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – «SHUKUR GRAND TRADE BUSINESS» МЧЖнинг «ASIA ALLIANCE BANK» ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: № 2020 8000 6002 7414 4001, МФО: 01103, СТИР: 302757392. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Тафаккур 1-тор кўчаси, 2-уй, 1-хонадон. Телефон/факс: (871) 215-54-59. Гувоҳнома № 007558. 27.11.2013 й.

Тузатилиш: Қибрай т. СИБ томонидан 20.06.2013 й. № 11223/8–сонли и.х.га асосан 1989 й. и.ч. «Камаз» д.р. N088NUM. Бошланғич баҳоси – 21362400 сўм бўлган автотранспорт воситасининг аукцион савдо куни 2014 йил 12 майдан 2014 йил 24 апрель кунига кўчирилди.

«KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, Тошкент шаҳар, ЖИБ Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м, фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 129 047 025 сўм.**

Аукцион савдоси 2014 йил 5 май куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2014 йил 2 май куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида ***16 апрелда*** *ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража илиқ, кундузи — 18-20 даража иссиқ бўлади.*

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, ***16 апрелда*** *Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-4227

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 456

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12165 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.30

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ